



XASR



ЎЗЎМИЙ-СИЙОСИЙ ГАЗЕТА

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

03 ЭШИТУВ ИНСТИТУТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШИМИЗ КЕРАК

04 БИТИРУВЧИЛАРГА ТАДБИРКОР МАҚОМИ ҲАМ БЕРИЛМОҚДА



07 Дунё ТАШВИШДА

2014 йил 27 февраль, пайшанба, 08 (536)-сон

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ»



Ижтимоий шериклик асосида

— Жиззахлик опасингиларимизнинг икки ярим минг нафарга яқини O'zLiDeP аъзоси сифатида ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этмоқда. — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва маъқени ошириш бўлими раҳбари Наргиза Мавлонова. — Аъзоларимизнинг қарийб 400 нафари тадбиркор ва фермер эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. 2013 йили савдошларимиз фаолигида хотин-қизларнинг ҳуқуқий-иқтисодий билимларини ошириш ҳамда уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган 200 дан ортиқ тадбир ўтказганимиз бу йилги ишларимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатяпти. Бу борада ҳамкор ташиклотлар билан ижтимоий шериклик муносабатларини йўлга қўйганимиз яхши натижалар бермоқда.

4 >>>

ҚАРОР ВА ИЖРО

«Ангрен-Поп»га 280 млн. доллар ажратилди

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси «Ангрен-Поп» электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш учун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясига 280 миллион АҚШ доллари миқдоридида кредит ажратди. Маълумотларга кўра, кредит маблағлари махсус техника ва ускуналарни харид қилиш, шунингдек, лойиҳа доирасида тоғли ҳудудларда қурилиш ишларини олиб боришга йўналтирилади. Эслаб ўтиш лозим: 2013 йилнинг сентябрида Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ва ДАТНТ ўртасида Қамчиқ довои орқали янги тоннелни барпо этиш бўйича қиймати 455 млн. долларга тенг бўлган шартнома имзоланган эди. 19 километрлик тоннелни 2016 йилнинг июлига қадар қуриб битказиш кўзда тутилган. «Ангрен-Поп» электрлаштирилган линиясининг умумий узунлиги 122,7 км.ни ташкил этади.

ЛОЙИҲА

Йилига 100 мингта компьютер

Сингапурнинг «Systems&Technologies» компанияси Ўзбекистонда шахсий компьютерларни ишлаб чиқариш учун салкам 10 миллион АҚШ доллари йўналтирадиган бўлди. Kip.uz сайтининг хабар беришича, яқинда Сингапурнинг ана шу компанияси ва «Ўзлтехно» уюшмаси ўртасида йилига 100 минг дона компьютер ишлаб чиқариш лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш бўйича ўзаро шартнома имзоланган. Айна пайтда томонлар корхона қурилиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этмоқдалар. Режага кўра, янги корхона бунёд этиш ишлари жорий йилнинг иккинчи ярмида бошланади.

Низом талаблари такомиллаштириляпти

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИҒИЛИШИДА «СУДЬЯЛАРНИНГ МАЛАКА ҲАЙЪАТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ УЧИНЧИ ЎҚИШДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Унда депутатлар билан бирга соҳа мутахассислари, экспертлар ҳам иштирок этиб, мазкур қонуннинг қабул қилиниши судья лавозимига кўрсатилаётган номзодларга қўйилган талабларни кучайтириш, соҳа учун кадрлар захирасини шакллантириш ва судьяларнинг ҳуқуқий билим даражасини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Йиғилишда фракциянинг мустақил ва малакали судьялар таркибини шакллантиришни таъминлайдиган базанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган позицияси тўғрисидаги масалалар алоҳида



Солиқ ЗОИР олинган сурат

2 >>>

ҲАМКОРЛИККА ЙЎЛ

Халқаро кўрғазмалар иш бошлади

«Ўзэкспомарказ»да «Қурилиш – UzBuild-2014», «МЕБЕЛЬ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, ИНТЕРЬЕР ВА ДИЗАЙН – MEBELExPO UZBEKISTAN-2014» ва «ИСИТИШ, ВЕНТИЛЯЦИЯ, СОВУТИШ ТИЗИМЛАРИ, СУВ ТАЪМИНОТИ, САНТЕХНИКА ВА БАССЕЙНЛАР – AQUA-THERM TASHKENT-2014» ХАЛҚАРО КЎРҒАЗМАЛАРИ ОЧИЛДИ

Тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги билан ҳамкорликда «ITE Uzbekistan» халқаро кўрғазма компанияси ва унинг хорижий шериклари томонидан ташкил этилди. Кўрғазмаларнинг очилиш маросимида Ўзбекистонда қурилиш ва мебелсозлик соҳалари жадал тараққий этаётгани, бу мамлакат



Альто АБДУЛЛАЕВ (УЗА) олинган сурат

тимизни янада ривожлантириш, аҳоли турмуши даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

3 >>>

2014 ЙИЛ — «СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ»

Қудратли эл фарзандлари

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» дея номланиши ва бу бўйича ДАВЛАТ ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА БИРДЕК АКСАДО БЕРМОҚДА

Сирларё вилоятининг Сардоба 58 мингдан зиёд киши истиқомат қилади. Аҳолининг 15341 нафарини болалар, 14024 нафарини эса фертил ёшидаги аёллар ташкил этади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, бу ерда ҳам «Соғлом она — соғлом бола» концепциясини ҳаётга татбиқ этиш, оналар ва болалар саноатининг мустаҳкамлаш, улар учун энг намунали шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётган. — Ўтган йилнинг ўзида Пахтабод кўрғонидида жойлашган Сардоба марказий шифохонасини таъмирлаш учун 1 млрд. 480 млн. сўм миқдоридида маблағ ажратилди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Қодир Жўраев. — Натижада педиатрия ва терапия бўлими, поликлиника бугунги кун талаблари даражасида капитал таъмирланиб, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Жорий йилга мўлжалланган манзили дастур асосида бу ишлар янада кенг қулоқ ёймоқда. Буни шифохонанинг манзили дастур асосида бу ишлар янада кенг қулоқ ёймоқда. Буни шифохонанинг манзили дастур асосида бу ишлар янада кенг қулоқ ёймоқда. Буни шифохонанинг манзили дастур асосида бу ишлар янада кенг қулоқ ёймоқда.

2 >>>

ҚҮЙИ БЎҒИНЛАРДА

Биз кимга ишонч билдиряпмиз?

Сиёсий ПАРТИЯНИНГ ҚҮЙИ БЎҒИНЛАРИНИ УЛКАН ДАРАХТ ИЛДИЗЛАРИГА ҚИЁСЛАШ МУМКИН: УЛАР ЕРГА, СУВГА ҚАНЧА ЯҚИН БЎЛСА, ТАНА ШУНЧА БАҚУВВАТЛАШИВ, МЎЛ ҲОСИЛ БЕРАДИ

O'zLiDeP Сиёсий Кенгашининг V мажлисида билдирилган ана шу фикрлар айни пайтда жойларда ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида қайта-қайта такрорланаётгани бежиз эмас. Маълумки, 2014 йил охирида сиёсий партиялар мамлакат сиёсий майдонида ўзига хос имтиҳондан ўтадилар. Ўтган сайловлар арафасидаги ваъдалар, амалга оширилган ишлар

5 >>>

КЕЛГУСИ СОНДА

Абдурашид Жўрабоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масъулали қўмитаси раиси, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ислохотлар жараёнида аҳолининг янада фаол иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йил 25 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни қўриши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади.*)	1 Австралия доллари 1999.38	1 Миср фунти 320.31	1 Полява злотийси 739.32	10 Жанубий Корея воени 207.2
	1 Англия фунт стерлинги 3710.46	1 Исландия кронаси 19.70	1 СДР 3440.24	10 Япония иенаси 218.11
	1 Дания кронаси 410.64	1 Канада доллари 2006.76	1 Туркия лираси 1025.67	1 Россия рубли 62.49
	1 БАА дирҳами 607.10	1 Хитой юани 365.88	1 Швейцария франки 2513.77	1 Украина гривнаси 256.05
	1 АҚШ доллари 2229.71	1 Малайзия рингити 676.59	1 ЕВРО 3053.73	

* Валюта қийматини белгилаш чегарида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарнинг қийматини белгилаш чегарида сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаскин.

Ислоҳот

Қудратли эл фарзандлари

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,
«XXI asr»

Ёруғ ва кўрам шифохонада даволанаётган беморлар билан мулоқот қилар эканмиз, уларнинг ҳар бир сўзида юртида изчил амалга оширилаётган ислохотлар муваффақиятидан миннатдорлик туйғуси жўш уриб турганини ҳис этдик.

— 57 йилдирки, шу туманда яшайман, — дейди Исोक ота Окмироз. — Лекин Сардобада шундай касалхона бунёд этилади, унда малакали врачлар фаолият кўрсатади, деса ишонмасдим. Чунки сал тобимиз қочса, Гулистон ёки пойтахтга шопилардик. Энди эса маҳалламизнинг ўзида даволаняпмиз. Очиги, аввал катта ишлар ҳақидаги ваъдаларни кўп эшитардик. Бироқ охирига етказилмасдан ўлда-жўлда қолиб кетарларди. Айниқса, Сардобага ўхшаган чекка ҳудудларда. Бутунги тизимли ислохотлар эса босқичма-босқичлиги, аниқ молиявий манбаи борлиги билан ҳам ажралиб туради. Мана, қаранг, «Обод турмуш йили»да бошланган ишлар «Соғлом бола йили»да ҳам давом эттириляпти.

Исोक ота билан суҳбатимизга терапия бўлими мудир Муртазо Аликулов, педиатр Муқаддас Холмуротова ҳам қўшилишди. Уларнинг таъкидлашича, сардобаликлар ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари давлат сийёсати даражасига кўтарилганидан ниҳоятда мамнун. Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йил «Соғлом бола йили» деб эълон қилингани, унинг ижроси юзасидан Давлат дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этила бошлангани эса мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси доирасидаги ислохотларни янги сифат босқичига кўтариши билан ҳам ахамиятлидир.

Албатта, сардобаликларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ врачлик пунктлари томонидан уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада такомиллаштириш борасидаги



Солиқ ФОИР олинган сура

комплекс чора-тадбирлар ҳақида узоқ хикоя қилиш мумкин. Мисол учун, мавжуд 10 та ҚВПнинг 6 таси янги бинода фаолият кўрсатаётган бўлса, яна биттаси реконструкция қилинган. Қолган учтаси эса таъмирлаш учун манзилли дастурга киритилган.

Туман даволаш-профилактика муассасаларида 2013 йилда 20677 нафар аёл тиббий кўриқдан ўтказилган. Энг муҳими, ана шу тадбирлар давомида аниқланган касалликларнинг ўз вақтида даволаниши натижасида 866 нафар соғлом чақалоқ тутилган ва улар юз фоиз скринингга олинган. Беморлар чақирингига тез етиб бориш учун шопилич тиббий ёрдам бўлими замонавий автомобиллар билан таъминланган.

Поликлиникага кирганимизда 14 ёшга бўлган болалар умумий текширувдан, коллежларда таҳсил олаётган қизлар эса гинекологик кўриқдан ўтатила бошлангани ҳам таъбиқ этила бошлангани эса мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси доирасидаги ислохотларни янги сифат босқичига кўтариши билан ҳам ахамиятлидир.

Албатта, сардобаликларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ врачлик пунктлари томонидан уларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада такомиллаштириш борасидаги

Сирдарёда O'zLiDeP электорати бўлмиш фермер ва тадбиркорлар эришаётган ютуқлар, амалга оширилаётган партиявий тадбирлар, сайловлар йилида сафдошларимиз олдида турган улкан вазибалар хусусида газетамизнинг кейинги сонларида батафсил танишасиз.

➤ **ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ**

Тинчлик — улуғ неъмат

Хоразм вилояти муҳофаза ишлари бошқармаси йиғин пунктида муҳим ҳарбий хизматга қақирилган йигитларни кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари, ота-оналар иштирок этди

Хоразм вилояти муҳофаза ишлари бошқармаси бошлиғи, подполковник С.Бозоров ва бошқалар Президентимиз раҳнаомлигида Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар муҳим ҳарбий хизмат нуфузини ошириш ва мамлакатимиз муҳофаза қудратини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади. Муҳим ҳарбий хизматга танлов асосида саралаб

олиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилгани Қуролли Кучлар шахсий таркибини тўлдирганини сифат жиҳатдан яхшилаш имконини бермоқда.

— Болалигимда ҳарбий либосдагиларни кўрсам, ҳавас қилардим. Бутун, мана, ўзим ҳам шу либосда Ватан ҳимоячилари сафига қўшилиётганимдан жуда хурсанланман, — дейди чақирилувчи Иззатбек Курбанов. — Армияда хизмат

қилиш учун саралаш танловиға астойдил тайёргарлик кўрдим. Саралаш жараёнида танлов катга бўлса-да, муваффақиятга эришдим.

Фарзандларимизни хизматга кузатиётган ота-оналарни суҳбатга тортаман.

— Президентимиз таъкидлаганидек, юртимиз тинчлиги, осмонимиз мустақиллиги энг катга бойлигимиздир, — дейди Л.Отажонов. — Дунёнинг кўп жойларида ни-

малар бўлаётганини кўриб турибмиз. Хулоға шукр, Юртбошимиз раҳбарлигида юртилаётган оқилонга сийёсат туйғайли Ўзбекистонимиз тинч, халқимиз хотиржам. Бунинг учун тинимсиз курашини зарурлигини ҳам яхши биланамиз. Ана шу тинчлик ва осойишталикни таъминлашга менинг фарзандим ҳам ҳисса қўшишидан фахрланаман.

А.ШОКИРОВ, ЎЗА мухбири.

Дунёнинг кўп жойларида нималар бўлаётганини кўриб турибмиз. Хулоға шукр, Юртбошимиз раҳбарлигида юртилаётган оқилонга сийёсат туйғайли Ўзбекистонимиз тинч, халқимиз хотиржам. Бунинг учун тинимсиз курашини зарурлигини ҳам яхши биланамиз.

Низом талаблари такомиллаштирилишти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Ўз мухбиримиз

Зеро, муҳокама этилаётган низомнинг янги таҳририда тасдиқланиши судларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини такомиллаштиришга ва суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса O'zLiDeP электорати манфаатларига тўла мосдир.

Маълумки, муҳокама этилаётган низом 2001 йилда тасдиқланган бўлиб, бу орада суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бу эса ана шу муҳим ҳужжатни замон ва ислохотлар талаби асосида янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Т.Турсуновнинг фикрича, Низомга малака ҳайъатларининг қандай масалалар билан шуғулланиши, ҳайъат аъзоларининг вазифаларини аниқлаштирувчи, улар ишини ташкил этиш тартибларини белгилувчи янги нормалар киритилмоқдаки, бу ўз-ўзидан соҳа вакиллари зиммасидаги масъулиятни янада оширади. Шу ўринда янги таҳрирдаги Низом асосида судьяларнинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги юристлар малакасини ошириш марказида махсус курсларда ўқиш ҳамда тегишли судларда стажировкадан ўттиши белгилаб қўйилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Ингилишда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда



муҳокама этилди. Фракция аъзоларининг фикрича, мазкур қонун лойиҳаси билан амалдаги қонунчилик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини тузиш тўғрисида»ги фармони ва

«Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида»ги қарори меъёларига мувофиқлаштирилди.

Фракция йиғилишида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

➤ **ХАБАРЛАР**

Партиявий лойиҳалар ва янги қонунлар

Фарғонада O'zLiDeP вилоят кенгаши томонидан ишлаб чиқилган «Қичик бизнес, тадбиркорлик ривожоти соғлом ва обод турмушининг муҳим шартидир» лойиҳаси доирасида Марказий банкнинг вилоят бошқармаси, Ўрта махсус касб-хунара таълими маркази, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-санаят палатаси ҳамда Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда ҳудудларда туркум тадбирлар ўтказилди.

— Бу галги учрашуларда асосий эътибор янги қонунлар, айниқса, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида тайёрланган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот беришга қаратилди. — дейди Аёлларнинг сийёсат фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудир Г.Турдиқулова. — Хусусан, электорат вакиллари «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунларда белгиланган имтиёз ва қўшимча имкониятларга кўпроқ қизиқиш билдирмоқдалар.

Шунингдек, тадбирда фемер хўжалиқларини молиявий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ солиқ имтиёзлари, банк кредитлари, лизинг хизматлари, моддий-техник таъминот, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш масалалари ҳам атрафлича муҳокама қилинди.

Чорвоқда иккита, «Тошкент денгизи»да битта

«Тошкент вилоятида 2013-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш дастури»га кўра, аҳолининг мароқли дам олишини таъминлаш, шунингдек, меҳмонларга қулайликлар яратиш мақсадида 2016 йилгача 3 та жамоат чўмилиш ҳавзалари ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Тиббий марказ, қўқарувчилар бригадаси, умумий овқатланиш шохобчалари, яхна ичимлик суви, қайиқлар, скутерлар, катамаранлар ижараси ва бошқа бир қатор қулайликларга эга бўлган замонавий чўмилиш ҳавзаларининг 2 таси Чорвоқда, 1 таси «Тошкент денгизи»да барпо этилади.

БНР ХОВУЧ ДУР

«Тил — ичингиздаги фикрларингизни сақлай олишдек муҳим хусусиятга эга».

Вольтер.

Парламентда

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙНИ ПАЙТДАГИ ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН НАМАНГАН ВА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТЛАРИ ҲОКИМЛАРИНИНГ АХБОРОТЛАРИ ЭШТИЛАДИ. Бундан ташқари, «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонуннинг Самарқанд ва Тошкент, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги ижроси назорат-таҳлил тартибида кўриб чиқилади.

Халқаро кўрғазмалар иш бошлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Мамлакатимизда кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Миллий ва замонавий меъморлик анъаналарини уйғунлаштирган мухташам иншоотлар, йўл ва кўприклар, турар-жойлар, корхоналар қуришмоқда. Ижтимоий инфратузилма объектлари, муҳандислик-коммуникация тармоқлари бунёд этилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 24 мартда қабул қилинган «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида»ги фармони, 2010 йил 17 июнда имзоланган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ юртимизда кенг турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда.

Қурилиш ишлари ҳажми, халқимизнинг маиший шароит ва интерьерларга бўлган талаби ортиб бораётгани ушбу соҳани изчил модернизациялаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилишни тақозо этмоқда.

Пойтахтимизда очилган қурилиш, мебель ишлаб чиқариш, интерьер ва дизайн, иситиш-совутиш тизимлари, сув таъминоти, сантехника ҳамда бассейнларга ихтисослашган халқаро кўрғазмалар ушбу соҳалардаги замонавий технологиялар билан танишиш, бизнес-шериклар топиш ва ҳамкорлик ўрнатиш, ўзаро тажриба алмашиш учун кенг имконият яратди.

«UzBuild-2014» ва «Aqua-Therm Tashkent-2014» кўрғазмаларида Ўзбекистон, Австралия, Беларусь, Бирлашган Араб Амирликлари, Германия, Греция, Дания, Жанубий Корея, Испания, Италия, Канада, Польша, Россия, Финляндия, Франция, Хитой, Швейцария, Эрон каби 20 мамлакатдан 130 дан ортик фирма ва компания ўз маҳсулотлари ҳамда хизматлари билан иштирок этмоқда. Улар қурилиш материаллари, иситиш тизимлари учун мосламалар, ҳамомши ва бутловчи қисмлар етказиб бериш, кўшимча турдош товарлар савдоси билан шуғулланиди.

Компаниямиз дунёнинг ўн бешдан ортик мамлакатига қурилиш ускуналарини етказиб беради, — дейди «Sunrise Industrial» компанияси (Хитой) менежери Жоанна Луу. — Ўзбекистон бозорида беш йилдан беш фаолият юритяймиз. Бу даврда ўзбекистонлик кўлаб ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйдик. Компаниямиз ўтган йили «UzBuild» кўрғазмасида биринчи марта иштирок этган эди. Мазкур кўрғазма ҳамкорлигининг кенгайтиришга улкан ҳисса қўлди. Бу йилги кўрғазма савдо алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Қурилиш саноатида эришилган ютуқ ва натижаларни сарҳисоб этиш, бу борада соҳа мутахассислари билан фикр ва тажриба алмашиш, ўзаро манфаатли шартномалар имзоланиши мамлакатимизда ўн



— Ўзбекистонда амалга ошириляётган улкан бунёдкорлик ишлари қурилиш соҳасида ҳамкорликни янада кучайтириш учун кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди Новара Савдо палатасининг махсус агентлиги — Е.В.А.Е.Т. (Италия) вакили Альберто Кальдерано.

бешинчи марта ўтказиляётган «UzBuild» кўрғазмаси катта аҳамият касб этади. Кўрғазмага қўйилган маҳсулотлар ва тақлиф этиляётган хизматлар хилма-хиллиги билан аввалгиларидан ажралиб туради. Қурилиш материаллари ва ускуналари, иситиш ва вентилляция тизимлари, эшик-ром, лок-бўёқ, том ёпиш материаллари, пол қопламалари, сопол ва пардозлаш тошлари, бетон блоklar, лифтлар, бутловчи қисмлар, электроника ва ёритиш техникаси сингари экспонатлар кўрғазмага ташриф буюрганлар эътиборини тортмоқда.

«Aqua-Therm Tashkent» кўрғазмасининг асосий мақсади биноларни қуриш ва улардан фойдаланишда ҳавони совутиш, иситиш ҳамда сув таъминоти тизимлари ечимлар соҳасидаги эҳтиёжни таъминлашдан иборат. Мазкур тадбирнинг ўтказилиши нихоятда долзарб аҳамиятга эга. Сабаби мамлакатимиз иқлим шароити иссиқлик таъминоти, ҳавони совутиш ва сув етказиб бериш бўйича амалий муҳандислик ечимлари жорий этишни талаб қилади.

«Aqua-Therm Tashkent-2014» учинчи халқаро кўрғазмасида иштирокчилар ушбу саноат тармоғи томонидан тақдим этиляётган барча турдаги маҳсулотлар билан танишмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг «VEN-KON» хусусий корхонаси кенг бинолар учун вентилляция ускуналарини, Испаниянинг «AstralPool» компанияси турфа хил фаввораларни намойиш этмоқда.

— Ўзбекистонда амалга ошириляётган улкан бунёдкорлик ишлари қурилиш соҳасида ҳамкорликни янада кучайтириш учун кенг имкониятлар яратмоқда, — дейди Новара Савдо палатасининг мах-

сус агентлиги — Е.В.А.Е.Т. (Италия) вакили Альберто Кальдерано. — Италия сантехника буюмлари ва қурилиш жиҳозлари ишлаб чиқарувчиларининг ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган. Мамлакатимиз компаниялари «Aqua-Therm Tashkent» кўрғазмасида иккинчи марта иштирок этмоқда. 2013 йилда ўзбекистонлик ҳамкорлар билан шартномалар имзолаган эдик. Жорий йилда бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш истагини билдирган компаниялар янада кўпайди ва тақлиф этиляётган маҳсулот турлари ҳам сезиларли даражада кенгайди.

Ўзбекистонда мебель ишлаб чиқариш сўнгги йилларда жадаллик билан ривожланмоқда. Иқтисодиётнинг саноат сектори, шу жумладан, мебель ишлаб чиқариш соҳаси салохияти ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Корхоналарда замонавий технологиялардан фойдаланиш натижасида жажон стандартларига мос маҳсулот турлари кўпаймоқда.

Ўн биринчи бор ташкил этилган «MebelExpo Uzbekistan 2014» кўрғазмасида иштирокчилик билан бериш саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Кўрғазмада уй ва офис мебеллари, мебель фурнитураси, уларни ишлаб чиқариш ва ёғочга ишлов бериш ускуналари, интерьер ва дизайн, меъморлик ҳамда лойиҳалашга оид маҳсулотлар намойиш этилмоқда.

«MebelExpo Uzbekistan 2014» кўрғазмасида 13 мамлакатдан 70 фирма ва компания ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Улар орасида Ўзбекистонга мебель, шунингдек, уни ишлаб чиқариш учун хо-

манё ва ускуналар етказиб бериш билан шуғулланган «Eman» Ўзбекистон-Литва қўшма корхонаси ҳам бор.

— Ўзбекистонда мебель саноатининг жадал ривожланиб бораётгани соҳада фойдаланиладиган юқори технологияли ускуналарга бўлган талабни оширмоқда, — дейди «Eman» қўшма корхонасининг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича менежери А.Серикбаев. — «Altendorf», «Leitz», «Krono» каби етакчи хорижий компанияларнинг мебель ва унинг аксессуарларини ишлаб чиқарадиган, ёғочга ишлов берадиган ва бошқа ускуналарни етказиб берамиз. Хорижий шерикларимиз ўзбекистонлик мебель ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятида. Ушбу кўрғазма самарали ишбилармонлик алоқаларининг йўлга қўйилишида қулай имкониятдир.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариляётган турли дизайнли мебель жиҳозлари юқори иштирок этмоқда. 2013 йилда ўзбекистонлик ҳамкорлар билан шартномалар имзолаган эдик. Жорий йилда бундай ҳамкорликни йўлга қўйиш истагини билдирган компаниялар янада кўпайди ва тақлиф этиляётган маҳсулот турлари ҳам сезиларли даражада кенгайди.

— Давлатимиз томонидан хусусий тадбиркорликнинг кенг қўллаб-қувватланиётгани туфайли корхонамизда замонавий ва сифатли мебеллардан ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди «Кенг Макон» масъуляти чеklangан жамияти бош директори Ҳикмат Рахимов. — «MebelExpo Uzbekistan-2014» кўрғазмасида иштирок этиб, халқаро мебель бозорига чиқишга муваффақ бўлдик.

Халқаро кўрғазмалар талаб ва тақлифни ўрганиш, товар айирбошлашни ривожлантириш, мамлакатимизга хориж сармоясини жалб этиш ва саноатни янада тараққий эттиришга хизмат қилади. Бунинг самарасида янги ишлаб чиқариш қувватлари ва қўшма корхоналар ташкил этилади, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ҳамда халқаро савдо муносабатлари янада мустаҳкамланади.

Нодира МАНЗУРОВА, Бобур ОБИДОВ, ЎЗА муҳбирлари.

Эшитув институтидан самарали фойдаланишимиз керак

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги ижро ҳоқимиятлари зиммасидаги масъулиятни ошириш, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда улар ҳисоботини мунтазам эшитиб бориш ҳамда ТЕГИШЛИ ХУЛОСАЛАР ЧИҚАРИШ НИҲОЯТДА ДОЛЗАРБ МАСАЛА СИФАТИДА ҚАЙД ЭТИЛЯЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзолари ҳам ана шундай талаблар асосида ўз фаолиятини такомиллаштиришмоқда. Жумладан, ўтган йили 7 та назорат тадбири ўтказган бўлсақ, уларнинг 3 таси қўмита эшитиш сифатида ташкил этилган эди. Йил давомида сайловчилар билан ўтказилган 231 та учрашувда ҳам ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тарчи ўтган йилда қўмитамиз аъзолари қўмита эшитувларининг самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратган бўлсалар-да, бу борадаги ишларни ҳали талаб даражасида, деб бўлмайдими. Зеро, қонун ва қарорлар қабул қилиш билан иш охирига етмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Аслида ана шу ҳужжатларнинг амалдаги ижроси зиммамизга жуда катта масъулият юклайди. «Инвестиция дастурига киритилган муҳим стратегик инвестиция лойиҳалари ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ва рақобатбардор маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, тармок дастурлари амалга оширилишининг бориши» мавзусидаги қўмита эшитишларида Иқтисодиёт вазирлиги ўринбосарининг ахборотини эшитганимизда бу ҳақиқат яна бир бор аён бўлди.

Унда инвесторлар учун қулай муҳит ҳамда етарлича имтиёзлар яратилиши натижасида иқтисодиётимизнинг ривожлантиришга қаратилган капитал қўйилмалар кўпайиб бораётгани қайд этилди. Жумладан, 2012 йили барча манбалар ҳисобидан 54,2 фоизга сўм миқдоридан капитал қўйилмалар ўзлаштирилган. Қайта ишлаш тармоғида янги қурилишларга йўналтирилган капитал қўйилмалар 2011 йилга нисбатан 54,2 фоизга ўсган.

Инвестициянинг қарийб 35,1 фоизи эса замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилган. Қўмита ташаббуси билан уюштирилган яна бир йўналишда Озбек-овкат саноати корхоналари уюшмаси ва «Ўзвизносаноат-холдинг» компанияси раҳбарларининг мева-сабзавот ва узум етиштириш, уни қайта ишлаш самарадорлигини ошириш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирилган давлат дастурларини бажариш ҳақидаги ахборотлари эшитилди.

Унда Озбек-овкат саноати корхоналари уюшмаси негизинда 145 та мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш корхоналари фаолият қўрсатаётгани, амалга оширилган ишлар



Баҳриддин БЕГЖАНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'ЗЛДЕР фракцияси аъзоси

натижасида 2012 йилда 843 миң тонна сабзавот қайта ишланиб, етиштирилган маҳсулотга нисбатан бу 10,9 фоизни ташкил қилгани таъкидланди. Шунингдек, 350,7 миң тонна мева, 269,9 миң тонна узум қайта ишланди. 2012 йилда мева-сабзавот ва узумни қайта ишлаш қувватларидан фойдаланиш даражаси 40 фоизга етгани ҳам иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

Соҳада 13,7 млн. доллар миқдоридagi инвестиция ўзлаштирилиб, 21 та янги корхона ташкил этилиши, 7 та корхонада модернизация ишлари амалга оширилиши туфайли қайта ишлаш қуввати 28,96 миң тоннага қўпайган ва 670 та янги иш ўрни яратилган.

2013 йил охирида ташкил этилган навбатдаги эшитув «Автомобиль транспорт тўғрисида»ги қонун ижросининг Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ҳамда Ўрхондарё вилоятларида ўрганиш якунларига бағишланди.

Унда қонун ижросини таъминлашда ижобий жиҳатлар билан бирга автомобиль транспортда юк ва йўловчилар ташини фаолиятини лицензиялаш, унинг талаб ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш, шаҳарлараро, вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш юзасидан очик тендерлар ташкил этишда баъзи камчиликларга йўл қўйилгани ҳам аниқланди. Хусусан, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида 220, Ўрхондарёда 60, Андижон вилоятида эса 23 тани ташкил этади.

Шунинг учун ҳам тегишли ҳужжатлари бўлмаган, техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган 24120 та автотранспорт воситасидан фойдаланиш вақтинча тўхтатилади. Қорақалпоғистонда йўловчиларга транспорт хизмати қўрсатиш ҳолати ўрганилганда айрим ҳудудлардаги автобус бекатларида йўловчилар учун қулайликлар яратилмагани, ўриндиклар

йўқлиги, йўналишлар номи ва жадвали ёзиб қўйилмагани аён бўлди. Туман марказларидаги автобусбекатлар таъмирланган бўлишига қарамастан, йўловчиларга транспорт хизмати бош бекатларда эмас, балки бозорлар атрофида қўрсатишмоқда.

Кези келганда мазкур қонуннинг Сурхондарё вилоятида ижроси билан боғлиқ масалалар туман, шаҳар ва вилоят халқ депутатлари кенгашларида бирор марта ҳам қўрилмагани, маҳаллий ҳокимликлар томонидан автотранспортнинг ривожлантирилишининг худудий ишлари амалга оширилиши туфайли қайта ишлаш қуввати 28,96 миң тоннага қўпайган ва 670 та янги иш ўрни яратилган.

Депутатлар Андижон вилоятида ушбу қонуннинг ижроси юзасидан муайян ишлар олиб бориладиганини эътироф этишди. Айниқса, унинг талаб ва нормалари қандай бажариляётгани халқ депутатлари вилоят кенгаши сессиясида кўриб чиқилгани ва аниқ чора-тадбирлар белгиленгани диққатга молик. Лекин қонун ижроси ўрганилган ҳудудларда юк ташинишга мўлжалланган автотранспорт воситалари учун махсус тўхташ жойлари ташкиллантирилмагани, транспорт воситалари ва хайдовчиларга қулай шароит яратилмагани муҳокамалар марказидаги асосий масалалардан бўлди.

Жорий йилда эса ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги долзарб масалалар бўйича эшитиш, назорат-таҳлил тадбирларини янада кўпайтириш кўзда тутилган. Хусусан, хизмат қўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг бугунги аҳволи, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашнинг айна пайтдаги ҳолати юзасидан Наманган ва Жиззах вилоятлари ҳокимларининг ахборотлари эшитилди. Бундан ташқари «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги қонуннинг Самарқанд ва Тошкент, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларидаги ижроси назорат-таҳлил тартибида кўриб чиқилади.

«ЁШЛАР ҚАНОТИ»

Битирувчиларга тадбиркор мақоми ҳам берилмоқда

О'zLiDePнинг «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида иштирок этиб, имтиёзли кредит олиш имкониятини қўлга киритган Самарқанд иқтисодий ва сервис институти талабаси Жаҳонгир Равшанов 5 миллион сўмлик бошланғич сармоя эвазига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонасини очди



Шухрат РАХИМОВ, «XXI asr»

О'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши «Ёшлар қаноти»нинг 2013 йилги фаолиятини таҳлил қилганимизда асосий эътибор партия дастури ва Сайловдод платформасида ёшлар билан ишлаш йўналишидаги мақсад ва вазифалар ижросига қаратилгани маълум бўлди. Хусусан, якунига етган йилда бу борада жами 111 та тадбир ўтказилган бўлиб, мазкур кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 28 тага кўпайган. Энг муҳими, уларда вилоятнинг 8872 нафар ёшлари фаол иштирок этишган.

«Ишбилармон талаба», «Диплом билан — бизнесга» каби партиявий лойиҳаларнинг туман ва шаҳарларда уюшқоқлик билан ташкил этилгани ёшлар ишончини қозонишда муҳим аҳамият касб этапти, — дейди О'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Сардор Лукмонов. — Бу тадбирлар, айниқса, Оқдарё, Булунгур, Нуробод, Пастдарқом ва Пайариқ туманларида яхши самара берди. Унда иштирок этган талабаларнинг 43 нафари лойиҳа ҳамкори бўлган тижорат банкларида имтиёзли кредитлар олдилар. Мазкур лойиҳаларда нафақат олий ўқув юрталари, балки касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳам қатнашаётдилар. Хусусан, Пайариқ тиббиёт коллежи битирувчиси Шохрух Дехқонов ўз бизнесини йўлга қўйган ана шундай ёшлардан.

Сўхбатдошларимизнинг таъкидлашича, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида муносиб иштирок этган Самарқанд давлат чет тиллар институти талабаси Сулаймон Норбўтаев «Микрокредитбанк»дан 29 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, аҳолига хизмат кўрсатиш шохчасини ташкил қилди. Самарқанд иқтисодий ва сервис институти талабаси Жаҳонгир Равшанов эса 5 миллион сўмлик бошланғич сармоя эвазига автомобилларни таъмирлаш устахонасини очди. Шу ўринда Жаҳонгирнинг бошқа тенгдошлари катори лойиҳанинг вилоят босқичи доирасида уюштирилган ўқув курсларида билим ва кўникмаларини бойитгани унга катта

БИР ҲОВУЧ ДУР

«Бир киши бошқасига уни турғазини учун ёрдам бераётган пайтдагина юқоридан қараш ҳуқуқига эга».

Габриель Гарсиа Маркес.

Ижтимоий шериклик асосида

Давоми. Бошланғич 1-саҳифада

Наргиза ҚАҲҲОРОВА, «XXI asr»

— Жиззахда «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган «Оиланинг интеллектуал, маънавий, ахлоқий даражаси — жамият олдидagi бурч ва масъулият» мавзусидаги тадбир ҳам ана шундай ҳамкорликнинг натижаси бўлди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Нодира Каримова. — Давра суҳбатига Олий Мажлис Сенати аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакилларидан ташқари, тадбиркор ва фермер хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза этилаётгани, соҳага оид бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳуқуқий база мунтазам такомиллаштирилиб борилаётгани белгилаб олинган вазифаларни изчил амалга оширишга асос бўлмоқда.

Тадбирда, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланганидек, оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасалари, скрининг ва перинотал марказлари, ту-

рукхона комплексларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, замонавий асбоб-ускуналар ҳамда малакали кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

— Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамда соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси асосида олиб борилаётган ишлар бу борадаги умуммиллий вазифаларга муносиб ҳисса қўшишимиз учун имкон яратмоқда, — дейди Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва маъқени ошириш бўлими етакчиси Гўзал Ибрагимова. — Хусусан, жойларда мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида минглаб аёллар тиббий кўриқдан ўтказилиб, айрим



«Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси асосида олиб борилаётган ишлар бу борадаги умуммиллий вазифаларга муносиб ҳисса қўшишимиз учун имкон яратмоқда.

касаликларнинг олди олинмоқда. Учрашувлар жараёнида бўлажак оналарнинг тиббий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида зарарли иллатлар тарқалишининг олдини олиш, вояга етмаган қизларни

турмушга чиқариш, қариндош-уруғлар ўртасидаги нидоҳнинг салбий оқибатларини бартараф этиш юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, уларни спортга жалб этиш каби дастурий ва-

зифалар ижросига алоҳида эътибор қаратылмоқда.

«Соғлом оила — мустаҳкам оила-2013» лойиҳаси доирасида Жиззах вилоятида ҳам салмоқли натижаларга эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, 708 нафар хотин-қиз тиббий кўриқдан ўтказилиши натижасида 168 нафар аёлда сурункали буйрак шомоллаши, 13 нафарда мастопатиянинг биринчи босқич аломатлари, 109 нафарда гинекологик, 43 нафар қизда камқонлик касаликлари аниқланган.

Давра суҳбатига шу масалаларга тўхташган О'zLiDeP фаоли, «Қалб нури» аёлларни ижти-

мой-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Нодира Алимованинг «Соғлом оила», «Соғлом жамият», «Барқарор мамлакат» каби мавзуларда тизимлаштирилган интерактив дастурлари намойиши йиғилганлар эътиборини тортди. Тадбирнинг амалий қисмида бир гуруҳ хотин-қизлар Жиззах туманидаги «Қўшбармоқ» маҳалласида бўлиб, узок йиллар ҳалол меҳнат қилган, эндиликда фарзандлари, набиралари қуршоғида умргузаронлик қилаётган ўринбосерлар оиласининг намунали ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

БИР ХАТ ИЗИДАН

Адолат қарор топди

О'zLiDeP аралашуви билан «Азиз Олим Нур» масъулияти чекланган жамиятининг мулки эгасига қайтарилди

Биродар КИМСАН, «XXI asr»

Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг нафақат ҳал қилувчи бўғини, балки бозорларимизни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириб, одамларнинг даромади ва фаровонлиги-

лади, албатта. Лазиз Акбаров ҳам 2002 йили ташландик ҳолга келиб қолган 1,38 гектар майдондаги иссиқхона биржа орқали 20 миллион сўмга сотиб олиб, туман давлат қаласида хизматда расмийлаштирилган эди. Яхши ниятда сотиб олинган иссиқхона деярли қайтадан қурилди. Сув чиқариш учун қанча

Пойтахтимизнинг шундоққина биқинида жойлашган ҳудудда юз берган бу воқеа ҳақиқатан ҳам айрим маҳаллий ҳокимлик идораларининг ханузгача тадбиркор ва фермерлар фаолиятига юзаки муносабатда бўлаётганларидан далолат бермоқда.

ни юксатириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг муҳим омилга айланди.

Президентимиз фармон ва қарорлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонулар асосида соҳа вакилларига қўшимча имтиёз ва имкониятлар берилаётгани эса хусусий секторнинг янада жалал ривожланишига хизмат қилипти.

Аммо ҳар тўқинда бир айб, деганларидек, айрим ҳудудларимизда ҳалигача тадбиркор ва фермерлар фаолиятига тўсик бўлаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Маъна, бир мисол. Зангиота тумани ҳокими 2013 йил 8 июнда «Азиз Олим Нур» масъулияти чекланган жамиятининг мулки ҳисобланган иссиқхона-ни туман захира ер фондига қайтариб олиш тўғрисида қарор чиқарди.

Лазиз Акбаров ушбу ҳужжат билан танишиб чиққач, ғалати аҳволга тушиб қолди. Асоссиз қарордан норози бўлиб, ҳокимлик ва бошқа идораларга бир неча бор мурожаат қилди. Аммо ҳадеганда жавоб ололмади.

Тадбиркорлик осон эмаслигини бошидан ўтказганига би-

мехнат, маблағ сарфланди.

— Мутасадди идоралардан наф чиқмагач, 2013 йилнинг 16 июлда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раисига мурожаат этишга мажбур бўлдим, — дейди тадбиркор. — Партия раҳбарияти арзимни тинглаб, тегишли ташкилотлар вакиллари ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларидан иборат гуруҳ ташкил этди. Лекин, очиги, муаммомизга бу қадар жиддий эътибор берилишини кутмагандим.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати Баҳо-



дир Тоғаев раҳбарлигидаги илчи гуруҳ масалани агрофилича ўрганиб чиқиб, мутасадди идораларга депутатлик сўрови йўллади. Унда иссиқхона амалдаги қонуларга зид равишда қайтариб олингани ҳақида ҳулоса чиқаришга эди.

Гуруҳ томонидан жамланган ҳужжатлар ва баённомалар асосида Зангиота туман ҳокимининг қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш учун Тошкент вилоят ҳўжа-лик судига даъво аъризаси киритилди. Ниҳоят, 2013 йилнинг 25 декабрида суд қарори билан Зангиота туман ҳокимининг 469-сонли қарори бекор қилинди. Тадбиркорнинг мулки шу тариқа яна ўзига қайтарилди.

Шу ўринда хато туманининг ўзида тузатилиши ҳам мумкин эдим, деган ҳақли савол пайдо

бўлади кишида. Ҳақиқатан ҳам, нега туман миқёсидаги масала О'zLiDeP Сиёсий Кенгашигача етиб келди. Ахир, Зангиота туманида ҳам депутатлар, тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини химоя қилишга мутасадди бўлган бошқа идоралар бор эди-ку...

Пойтахтимизнинг шундоққина биқинида жойлашган ҳудудда юз берган бу воқеа ҳақиқатан ҳам айрим маҳаллий ҳокимлик идораларининг ханузгача тадбиркор ва фермерлар фаолиятига юзаки муносабатда бўлаётганларидан далолат бермоқда. Бу ҳолат, ўз навбатида, маҳаллий кенгашлардаги депутатларимиз томонидан депутатлик назоратини янада кучайтиришни ҳам тақозо этади. Ўйлаймикин, улар ҳам юқоридagi ҳолатдан тегишли ҳулосалар чиқарадилар.

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ!

«Мен ишга кирмоқчи бўлган корхонада аввалги иш жойимдан тўланган даромадлар ва ушлаб қолingan солиқлар ҳақида маълумотнома сўрашапти. Ушбу маълумотномани тақдим этмасам, мени ишга қабул қилмасликлари мумкинми?»
О.Пардаев, Тошкент шаҳри.

— Иш бериувчининг сиз таъкидлаган маълумотномани талаб қилиши қонуний. Аммо бундай маълумотнома бўлмаса, ишга қабул қилишдан бош тортиш қонунга ҳилофдир. Чунки Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасида ишга қабул қилиш вақтида талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхатида аввалги иш жойидан даромадлар тўғрисида маълумотнома кўрсатиш белгиланмаган. Шунингдек, юқоридagi моддада ишга қираётган шахсдан қонун ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Лекин Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 186-моддасига асосан йил мобайнида асосий иш (хизмат, ўқиш) жойи ўзгарган тақдирда, жисмоний шахс ўша йилда ўзига тўланган даромадлар ва ундан ушлаб қолingan солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотномани янги асосий иш (хизмат, ўқиш) жойидаги бухгалтерияга дастлабки иш ҳақи ҳисоблангунга қадар тақдим этиши шарт. Ак ҳолда бухгалтерия янги иш бўйича даромадларидан солиқни энг юқори ставкада ушлашга мажбур бўлади.

Исматилла ЯМАНКУЛОВ тайёрлади.

«Уйимга экологик тоза энергия ишлаб чиқарадиган қуёш генераторини ўрнатганим. Солиқ идораси вакиллари бунинг учун солиқ тўлашни қарақчилигини айтишди. Шу тўғрими?»
Х.Бозоров, Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри.

— Маълумки, юртимиз муқобил энергия манбаи — қуёш генераторларидан фойдаланиш учун қулай минтақада жойлашган. Зеро бу қурилма ҳатто киши ойларидagi заиф қуёш нурлари ёрдамида ҳам ўз вазифасини аъло даражада удралай олади. Аммо бундай мосламадан фойдаланиш учун ҳеч қандай солиқ тўловлари жорий этилмаган, — дейди Давлат солиқ кўмитаси ахборот хизмати ходими Музаффар Назаров. Табиати муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси мутасаддилари эса қуёш энергиясини қайта узатишга мослаштирилган қурилма иш жараёнида ҳеч қандай зарарли газ ёки буғ ҳосил қилмаслиги, шунинг учун ҳам бундай генератор эгасидан ҳеч қандай солиқ ундирилмаслигини маълум қилдилар.

Наргиза ҚАҲҲОРОВА тайёрлади.

Ш.ХўЖАЕВ.



БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

08 (536)-сон, 2014 йил 27 февраль, пайшанба

Биз кимга ишонч билдиряпмиз?

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Ўз мухбиримиз

Мана, ўн икки кундирки, жойларда ўтказилаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида айни шу масала бош мавзу сифатида муҳокама қилинмоқда.

О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси маълумотларига кўра, шу кунгача 396 та қуйи бўғин етакчисининг 2013 йилдаги фаолиятига баҳо берилди. Уларда 295 БПТ раиси қайта сайланган бўлса, 101 та қуйи бўғин етакчилигига ёш, иқтидорли ҳамда ташаббускор кишилар сайланди. Тадбирларда кенг иштирок этиб, партиа фаолиятини жонлантириш, айниқса, қуйи бўғинлар ишини кучайтириш юзасидан ноанъанавий таклифлари билан эътибор тортган 72 нафар партиа аъзоси эса раҳбар кадрлар захирасига олинди. Шу ўринда тарғибот ишлари тўғриси йўлга қўйилган ҳудудларда таянч тузилмалар ва уларнинг аъзолари сони ортаётганини ҳам қайд этиш лозим. Бунинг ҳисобот-сайлов даврида 403 нафар фаолини жиёслаштирган 47 та янги қуйи ташкилот иш бошлаганида ҳам кўриш мумкин. Уларнинг аксарияти тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлариди ташкил этилгани, айниқса, муҳимдир.

Шу ўринда ҳисобот-сайлов йиғилишлари маҳаллий ОАВ орқали кенг ёритилаётгани партианнинг мақсад ва вазифаларини яна бир бор тарғиб этишга хизмат қилаётганини таъкидлаш лозим.

Хусусан, Қарши шаҳридаги «Феруза» хусусий корхонасида фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилот йиғилиши ҳам маҳаллий нашрларда кенг ёритилди. Утган даврдаги ишлар сарҳисоб қилинган тадбирда БПТ раиси Наим Турдалиев, фаоллардан Муҳаммади Норқобилов, Азиз Наимов сўзга чиқиб, қуйи бўғиннинг 4-кичи туман аҳолисини ичимлик сув билан таъминлашни яхшилаш, ободонлаштириш, шунингдек, аёлларни касаначилик асосида ишга жойлаштириш борасидаги фаолияти юзасидан ахборот берди. Чунончи, ўтган йили 10 нафар хотин-қиз БПТ ёрдами билан «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасига ишга жойлаштирилган. Шунингдек, БПТ аъзолари ташаббуси билан кўп қаватли уйлар қошида тикувчилик ўқув маркази ташкил этилиб, уларда ёшлар учун ўз бизнесини очиб имконияти яратиб берилди.

Маълумки яқин истиқболдаги вазифалар ҳам атрофида муҳокама этилди. Хусусан, 2014 йилда партиавий восталар билан тадбиркорлик ривожига яқиндан қўмақлаштириш масаласи энг устувор йўналиш сифатида белгилаб олинди.

Йиғилишда ташкилот етакчисининг ўтган йилдаги фаолияти қониқарли деб топилди. Н.Турдалиев кўпчилик овоз билан яна раисликка сайланди.

— Кенгашимиз таркибида 1477 аъзони бирлаштирган 83 та қуйи бўғин иш олиб бораётти, — дейди Қарши шаҳар кенгаши раиси ўринбосари



Ҳисобот-сайлов йиғилишларининг дастлабки натижаларини таҳлил этиб, 2013 йилда Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятларининг аксарият туманларида қуйи бўғинлар талаб даражасида иш олиб бормаган, айрим БПТ хоналари тегишли адабиёт ва қўлланмалар билан тўлиқ таъминланмаган, деган хулосага келиш мумкин. Бундан эса вилоят, шаҳар ва туман партиа ташкилотлари тегишли хулоса чиқаришлари керак.

Х.Болтаев. — Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўз-ўзини танқид руҳида ўтаётгани туфайли мавжуд муаммоларни ҳам таҳлил этиш, уларга мақбул ечимлар топиш имконияти пайдо бўлмоқда. Шу ўринда ушбу тадбирлар айрим қуйи тузилмалар иши талаб даражасида эмаслигини ҳам кўрсатганини айтиш керак. Натижада 4 та бошланғич ташкилотда етакчилар фаолияти қониқарсиз баҳоланди.

Навоий вилоятида ҳам ҳисобот-сайлов йиғилишлари партиа аъзолари фаолиятига ўтиштирилди. Айниқса, Қониқ туманида бўлган тадбирларда етакчилар вакиллари кенг иштирок этаётгани истикболли режаларни белгилашда муҳим роль ўйнамоқда. Туман Фермерлар кенгашидаги қуйи ташкилотга бошчилик қилаётган Тойир Жамолов туман кенгаши депутати сифатида ҳам кўпчиликка ўрнак бўлаётган партиа аъзоларидан. Йиғилиш катнашчилари «Тойир Жамол ота» фермер хўжалиги раҳбарининг қуйи бўғин аъзолари билан биргаликда қишлоқ мулкдорларини ўйлантираётган масалалар, ёшлар бандлигини таъминлаш, замин соҳибларига ҳуқуқий ёрдам бериш борасидаги ташаббусларини ҳисобот-сайлов йиғилишларида алоҳида эътироф этиб, бу ишларни янада жонлантириш лозим, деган қарорга келди.

— Ҳисобот-сайлов йиғилишида асосий эътибор «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда

даги 20 та бошланғич ташкилотда ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтган. 17 та БПТ раиси қайта етакчиликка сайланган бўлса, 3 та тузилма фаолияти қониқарсиз, деб топилган.

«Агробанк»нинг Қувасой шаҳар филиалидаги қуйи бўғин фаолиятини 9 нафар аъзо билан бошлаган эди. Айни пайтда 57 нафар партиа аъзоси бўлган БПТ ўз атрофида асосан навқирон авлод вакиллари билан жамланган.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши шунинг учун ёшларга хос ташаббускорлик руҳида ўтди. Утган йилги ишлар таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгилаб олинган тадбирда қуйи бўғин фаолиятини такомиллаштириш, електорат вакиллари, айниқса, фермер хўжаликларини ҳам таъминлаш қўлаб-қувватлаш, бу борда ечимини қутаётган муаммоларни бўйича асосли таклифлар ўртага ташланди. Йиғилишда банк масъул ходими Шухратжон Бойназаров кўпчилик овоз билан БПТ раислигига сайланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларининг дастлабки натижаларини таҳлил этиб, 2013 йилда Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятларининг аксарият туманларида қуйи бўғинлар та-

лаб даражасида иш олиб бормаган, айрим БПТ хоналари тегишли адабиёт ва қўлланмалар билан тўлиқ таъминланмаган, деган хулосага келиш мумкин. Бундан эса вилоят, шаҳар ва туман партиа ташкилотлари тегишли хулоса чиқаришлари лозим бўлади.

Мақолага нукта қўяр эканмиз, ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳар бир аъзонинг партиавий масъулиятини кучайтириш лозимлигини, О'зЛиДеРнинг ғоя ва мақсадларини изчил тарғиб этишда бирон-бир бўғин БПТлардек кенг имкониятга эга эмаслигини қайд этиш жоиз. Яна бир муҳим масала. Утган йилги фаолиятимизга қандай баҳо беришимиз, янги йилдаги ишларимиз қуйи бўғин етакчилари зиммасига ниҳоятда муҳим вазифалар юклаётганини ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак. Демак, жойларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида кимларни етакчиликка сайлашимиз, нима учун айнан шундай сафдошларимизга ишонч билдиряпмиз, деган саволларга ҳар биримиз тўғриси жавоб топишимиз лозим. Шундагина 2014 йилги режаларимиз тўлиқ амалга ошади.

Раис... раисликка сайланди

Кенг қўламли ислохотлар жараёнида фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, қишлоқ мулкдорларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётган кўпжа қонунлар қабул қилинган натижасида ушбу қатлам вакиллари том маънода қишлоқларимиздаги ҳал қилувчи кунга айландилар.

Бешариқ тумани Фермерлар кенгашида бошланғич ташкилот тузилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда вилоят кенгаши депутати О.Алиматов сўзга чиқиб, ана шундай фикрни билдирди.

Тадбир сўнгида туман Фермерлар кенгаши раиси, «Қариялар қадри» фермер хўжалиги раҳбари Анвар Рўзиқулов кўпчилик овоз билан БПТ раислигига сайланди.

— О'зЛиДеР томонидан фермерлик ҳаракатида алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ушбу сиёсий куч сафида бўлишга аҳд қилдик, — дейди ташкилот аъзоларидан бири, «Жасурбек Т.» фермер хўжалиги раҳбари Тойиржон Эсонов.

Зикриллаевдан хат келди. Ва...

О'зЛиДеР Қўқон шаҳар кенгашидаги бошланғич ташкилот аъзолари Қўқон тасвирий-амалий санъат коллежи масъулларининг ўқув муассасасини компьютерлар билан таъминлаш масаласида ёрдам сўраб ёзган хатини кўриб чиқиб, Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими республика марказига мурожаат қилдилар.

Яқинда марказ директори ўринбосари Х.Зикриллаев имзоси билан жавоб хати олинди. Унда қайд этилишича, ушбу билим даргоҳини компьютерлар билан таъминлаш масаласи жорий йилга мўлжалланган манзилли дастурга киритилган.

Кўп тармоқлилар кўпаймоқда

Тошкент вилоятида фаолият юритаётган 7 мингга яқин фермер хўжалигининг 2 минг 300 дан зиёди кўп тармоқли хўжалиқдир.

— Қишлоқ мулкдорлари нафақат деҳқончилик қилиш, балки ўз маҳсулотини қайта ишлаш, сақлаш билан ҳам шуғулланишмоқда, — дейди вилоят Фермерлар кенгаши мутахассиси Марҳабо Муродова. — Масалан, аксарият парентлик фермерлар 50-100 тоннагача мева ҳамда узумни сақлашга мўлжалланган совутичлар, қуриш ва қадоқлаш цехига эга бўлсалар, бошқалар тегирмон, новвойхона, қандолат цехлари очилган. Бу эса қишлоқ жойларида кўшимча иш ўринлари ташкил этиш имконини янада кенгайтирмоқда.

Зиёдулла МҮМИНОВ.

Масъулият фаолликка даъват этаётир

Ўтган ҳафтада О'зЛиДеР Хоразм вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази мутахассислари Урганч шаҳридаги БПТлар билан ҳамкорликда сайловчилар ва електорат вакиллари



иштирокида учрашувлар ўтказди. Маҳаллий кенгаш депутатлари, сиёсатшунос олимлар, таниқли ишбилармонлар қатнашган тадбирларда амалдаги қонунларнинг жойлардаги ижроси, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш институтлари билан партиа ҳамкорлигини янада кучайтиришга оид масалалар атрофида муҳокама этилди. — «Иссиқлик манбаи» ОАЖ ва Тўямўйин-Урганч сув ресурсларидан фойдаланиш ҳудудлараро бошқармасида ташкил этилган йиғилишларда эса бўлажак сайловлар арафасида електорат вакиллари билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўриб чиқилди. — дейди О'зЛиДеР вилоят кенгаши масъул ходими Ш.Ёқубова.

Қуйи бўғин таклифлари — юқорига

Пахтакор тумани Молия бўлимида фаолият юритаётган қуйи бўғиннинг 12 нафар аъзоси ташаббус билан «Соғлом бола йили»да бошланғич партиа ташкилотлари олдида турган вазифалар муҳокама этилди.

«Фарзандларимиз саломатлиги — келажагимиз пойдевори» мавзусидаги давра суҳбатиде О'зЛиДеР вилоят ва туман кенгашларининг масъул ходимлари, маҳаллий кенгаш депутатлари ҳамда тажрибали шифокорлар қатнашдилар. — Бугунги мулоқот ҳар биримизга партиавий бурч ва масъулиятни яна бир бор ҳис этиш имконини берди, — дейди БПТ етакчиси Файрат Саидқулов. — Тадбирда, шунингдек, фаолларимизнинг оналик ва болалиқни муҳофазалашга қўшаётган улушини янада ошириш кераклиги ҳам қайта-қайта таъкидланди. Ана шу масала бўйича бир қатор таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Уларни умумлаштириб, юқори партиа органига тақдим этишга келишиб олдик.

Ҳеч ким четда турмайди

О'зЛиДеР Чилонзор туман кенгаши вакиллари Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Тошкент шаҳар бўлими томонидан таъсис этилган «Зиё-тикув-файз» МЧЖ ходимлари билан очиб мулоқот ўтказдилар.

— О'зЛиДеР фаолларининг кенг қўламли ислохотлар жараёнидаги фаолияти билан танишиб, ана шу партиа сафида бўлишга қарор қилдик, — дейди биз билан суҳбатда корхона ходими Гулбахор Қосимова. — Мақсадимиз жамиятнинг тўлақонли фуқаролари сифатида ижтимоий-сиёсий жараёнларда янада фаол қатнашишдир. Қайд этиш керакки, айни пайтда 30 кишилик жамоа томонидан тайёрланаётган матрас, мато ёпқич сингари маҳсулотларга талаб тобора ортиб бормоқда.

Б.Исроилов.



БПТлар учун XXI ASR ижтимоий-сиёсий газетасига
Имтиёзли ОБУНА давом этмоқда.
Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80

ХАБАРЛАР

**«Мустақиллик»даги ер ости йўли
Мустақилликка топширилади**

Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Жиззах шахрининг бош режаси асосида айни пайтда вилоят марказида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, вилоят ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, бугунги кунда шахар марказидаги Мустақиллик кўчасининг «Ором» фавворалар мажмуаси яқинида 4 қаватли турар-жой биноларини бунёд этиляпти. Бузилган эски уйлар ўрнида қад ростлаётган иншоотларнинг биринчи қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохбачалари жойлаштирилади.

— «Мустақиллик» кўчасининг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришни мақсад қилганмиз. — дейди шахар бош меъмори Избозар Тўраев. — Кенглиги 50 метрни ташкил этадиган кўчада ер ости йўли ҳам барпо этиляпти. Тоннель Мустақилликнинг 23 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, шахарнинг Алишер Навоий кўчасида йирик спорт мажмуаси қурилаётганини таъкидлаш жоиз. 10 минг томошабинга мувожаз стадион, 2 та универсал спорт зали ҳамда ёпиқ сузиш ҳавзасидан иборат ушбу объектни бунёд этиш ишларига 29 млрд. сўм миқдорда маблағ йўналтирилади. Ушбу мажмуани ҳам Истиқлол байрамига қадар қуриб битказиш кўзда тутилган.

Ш.ХУЖАЕВ тайёрлади.

Прокуратура ташаббус кўрсатди. Ва...

Наманган шахар прокуратураси ташаббуси билан шахар ҳокимлиги, бандликка қумаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази, «Камолот» ЕИХ шахар кенгаши ҳамкорлигида буш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 88 та корхона, ташкилот ва муассаса 905 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Иш билан таъминланган 138 нафар фуқаронинг 86 нафарини ёшлар ташкил этди. Уларнинг 17 нафари коллеж битирувчиси. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия акти туфайли жазони ўташ муассасаларидан авф қилинганлардан 7 нафари ҳам доимий иш ўрнига эга бўлди.

Улуғбоевнинг ниятлари улуг

Чустлик тадбиркор Дилфуза Улуғбоева етакчилик қилаётган «Олмос Нисора Бону» хусусий корхонасининг 20 нафардан ортиқ кўли гул тикувчилари спорт кийимлари, аёллар ва болалар кийим-кечалари, чойшаб сингари 12 турдаги маҳсулот тайёрламоқдалар. — Гулистон маҳалласида иш олиб бораётган мазкур корхонага «Агробанк» туман филиалидан 198 млн. сўмлик кредит ажратилган эди. Шу ҳисобидан Хитойдан замонавий бичиш ва тикув машиналари келтирдик, — дейди тадбиркор Д.Улуғбоева. — Ҳозиргача 30 млн. сўмлик маҳсулот бозорларга чиқарилди. Иккониятимиз ҳисобидан цехни кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиб, маҳсулотларимизни чет элларга ҳам экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз.

Ахроржон МУСУРМОНОВ.

«Нурли диёр» маҳсулотлари

Олтинтопарлар шаҳри — Зарафшонда фаолият кўрсатаётган «Нурли диёр» маъсуляти чекланган жамиятида бир йўла ҳам бройлер, ҳам тухум етиштириш йўлга қўйилди. — Фабрикамининг 4 та цехида айни кунда 12 мингга парранда парварииш қилинмоқда. — дейди тадбиркор Жамол Жўрақулов. — Улар зооветеринария қўдалари асосида парвариланаётгани туфайли ҳар куни ҳамшаҳарларимиз дастурхонига 6-7 мингтагача тухум, 1,5-2 тонна парҳез гўшт етказиб бераймиз. МЧЖ қошида ташкил этилган паррандачилик фабрикаси ҳисобидан иш ўринлари сони яна 8 тага кўпайди.

Мансур АСЛОНОВ.

Бир ҳовуч дур**«Бизнеснинг асосий шарты — ҳеч ким билмайдиган нарсаларни билиш ва бундан унумли фойдаланишдан иборат».**

Аристотель ОНАССИС.

ЭЪЛОН

**«BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ
очик танловга таклиф этади!**

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилояти Бухоро тумани ҳокимининг 2013 йил 28 ноябрдаги 1033-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳукуқи танловга қўйилади:

Маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун Бухоро вилояти, Бухоро тумани, Подшохи МФЙ, Подшохи аҳоли пункти ҳудудида жойлашган 120 кв.м.ли ер участкаси. Ҳуқуқнинг минимал қиймати — 46 920 сўм.

Мажбуриятнинг бошланғич ҳажми Бухоро тумани архитектура бўлими тайёрлаган шахарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шахарсозлик топшириги нусхаси талабдорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбурият танлов голиби танлов мажбуриятини бажариш тўғрисида шартнома имзолаган кундан бошлаб 12 ой муддатда амалга оширилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун талабдорлардан бюртманомалар қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб 2014 йил 28 март кунин соат 18.00 да тўхтаб қилинади.

Талабдор танловда иштирок этиш учун бюртманомана беришдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдордаги авансини аванс челишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамга тўлаши шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайда этилган конвертлар Бухоро тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 31 март кунин соат 12.00 да очилади, 2014 йил 31 март кунин соат 17.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби эълон қилинади. Комиссия томонидан таклиф энг яхши деб эътироф этилган талабдор танлов голиби бўлади. Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 31 мартдаги танловда сотилмаган тақдирда, тақририй танлов савдоси 2014 йилнинг 7 апрель кунин соат 12.00 да бўлиб ўтишни маълум қилади.

Тақририй танловда иштирок этиш учун талабдорлардан бюртманомана қабул қилиш 2014 йил 4 апрель соат 18.00 да тўхтаб қилинади.

Тақририй танлов қатнашчиларининг таклифлари қайда этилган конвертлар Бухоро тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 7 апрель кунин соат 12.00 да очилади, 2014 йил 7 апрель кунин соат 17.00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов голиби аниқланади.

Ер участкасининг ҳуқуқларига чеклов солилмаган (мажбуриятлар йўқ).

Танлов ташкилотчиси — «BUXORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ Бухоро вилоят филиали. Танлов ташкилотчиси танловда қатнашиш истагидидаги талабдорларга танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридидаги маблағ эвазига тақдим этади.

Талабдор танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига бюртманомани қуйидаги ҳужжатлар билан бирга икки нусxada тақдим этади: — юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, унинг танловда қатнашиши учун қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вақил қатнашганда — ваколатли вақилининг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси; — танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусxadaги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабдорнинг имзоси, агар талабдор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: АТ «Халқ банк» Бухоро филиали. Х/р: 20208000600251607001, МФО 00116, СТР 302668377.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумот олиш учун манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Тел/факс: (+99893) 960-69-00, электрон почта: www.bgr.gl.uz. Хизматлар лицензияланган № RL 0171.



Миллий иктисодиётимизнинг муҳим бўғини — аграр секторни изчил ва барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ислохотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқларимизни обод этиб, минг-минглаб иш ўринлари ташкил этишда фаол иштирок этаётган тадбиркор ва фермерларни қўллаб-қувватлаш айни кундаги долзарб масалалардан биридир. Ушбу жараёнда «Агробанк» ОАТБнинг Самарқанд вилоят бошқармаси ҳам муносиб қатнашмоқда

Ўз мухбиримиз

Хусусан, ўтган йили банк ва унинг жойлардаги туман филиаллари томонидан мулкдорларга 60 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди. Ана шу молиявий қўмак асосида 4830 та янги иш ўрни яратилгани қувонарли ҳол, албатта. Таъкидлаш жоизки, сармоялар асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо-воситачилик, қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ жойларида замонавий минитехнологияларни жорий этишга йўналтирилган.

Бугунги кунга келиб банк

томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг энг самарали усуллари жорий этилмоқдаки, буни айни пайтда тадбиркорлар ҳам алоҳида эътироф қилмоқдалар.

Бунёд Холбеков, «Зиё» хусусий корхонаси раҳбари:

— Қўшраббот маиший хизмат касб-хунар коллежини тамомлаб, «Агробанк»нинг Қўшраббот филиалига ўз бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Улар лойиҳани маъқуллашганидан сўнг киска фурсатда мрамар тош кесиш ускунасини харид қилиш учун 30 млн. сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Шу асосда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, бугун аҳоли эҳтиёжи учун сифатли мрамар тошларни етказиб бераймиз. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириш ниятида-

Фаровонликка хизмат қилаётган сармоялар

зиб бераймиз. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириш ниятида-

Мукаддас Сатторова, «Stirol Polimer Plast» хусусий корхонаси раҳбари:

— Бугун давлатимиз томонидан тадбиркорларга жуда катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Бундан унумли фойдаланиб, моддий жиҳатдан фаровонликка эришаётган юртдошларимиз кўпчилигини ташкил этмоқда. Мен ҳам полиэтилен плёнка ишлаб чиқариш ускунасини харид қилиш учун «Агробанк»нинг Самарқанд вилоят худудий филиалига ўз бизнес лойиҳамни тақдим этдим. Банк томонидан агарчи ўрганиб чиқилган лойиҳамга киска фурсатда 230 млн.

сўм миқдорда кредит ажратилди. Шу ҳисобдан 6 кишини доимий иш билан таъминладик. Ҳозирда кунига ўртача 50 тонна полиэтилен маҳсулотлари тайёрлаб, буортмачиларга етказиб бераймиз.

Матлубхон Абдуллаев, «Азиз нои» МЧЖ раҳбари:

— Истиқлол йилларида халқимиз турмуш фаровонлиги яхшиланиб, мамлакатимизнинг чекка худудларида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу эса ишбилармон-тадбиркорлар фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаёттир. Биз ҳам «Агробанк»нинг Иштихон филиалидан 100 миллион сўм кредит олиб, савдо дўконини ишга туширдик.

Ҳозирда халқимиз дастурхонига нон ва нон маҳсулотлари етказиб бераймиз. Шу билан бирга фаолиятимизда маиший хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Айни пайтда корхонада 10 нафар маҳалладошимиз меҳнат қилмоқда.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ОАТБ «Агробанк»нинг Самарқанд вилоят бошқармаси иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш, миқдорларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, тадбиркорлик ҳамда фермерлик ҳаракатини кенгайтириш йўлида фаол иш олиб бормоқда. Бу эса унинг мамлакат молия бозоридида мавқени янада мустаҳкамлаб, белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаёттир.

**ТАДБИРКОРЛАР,
ИШБИЛАРМОНЛАР
ҲАМДА ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!****«XXI ASR» ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИ**

Президентимизнинг «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» номи маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар, долзарб вазифалар, айниқса, хусусий сектор вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги масалалар ижросини таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда фаол иштирок этиш мақсадида Сизларни қизиқтираётган саволлар юзасидан мутасадди идоралар вакиллари иштирокида ҳар ойда икки марта тўғридан-тўғри мулоқот уюштирмоқда.

ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОН ЮРТДОШЛАР!

Очик мулоқотда фаол қатнашиб, қуйида номлари келтирилган ташкилот, муассаса мутасаддиларига ўзингизни қизиқтирган саволлар ва фаолиятингизга халақит бераётган муаммолар юзасидан муурожаат қилишингиз мумкин. Бугунги кунда тадбиркорликка, қишлоқ мулкдорлари фаолиятини кенгайтиришга қаратилган юксак эътиборга қарамай, айрим худудларимизда соҳани янада жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шубҳасиз, юртимиз равнақи ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилади. Ўйлаймизки, тўғридан-тўғри мулоқотда кўтарилган мавзулар тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимиз, қишлоқларда етакчи кучга айланган фермерларни ҳам бепарқ қолдирмайди.

**МАРҲАМАТ, ЁЗИНГ, ҚҲНФИРОҚ ҚИЛИНГ!
МУРОЖААТЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.****ОЧИК МУЛОҚОТГА:**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари **Улуғбек Мустафоев,**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси **Алишер Шайхов,**

«Агробанк» ОАТБ бошқаруви раиси **Абдифаҳоб Тамикаев,**

«Микрокредитбанк» ОАТБ мутасаддилари таклиф этилган.

Иккинчи мулоқот 2014 йилнинг 28 февралда «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятида (Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 73-А уйда) соат 16.00 да ўтказилади. Тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг саволларига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Улуғбек Мустафоев жавоб қайтаради.

Умид қиламизки, мулоқотга таклиф этилган мутасадди идоралар вакиллари таҳририят ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тадбиркор юртдошларимизни қизиқтираётган саволлар, улар фаолиятига оид ҳаётий масалаларни ҳал этиш учун вақт топадилар.

Саволлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинмоқда:

**(+998 71) 281-40-17, 215-63-80.
(+998 95) 194-83-95, 194-83-96.**

Электрон почта: **XXI_ASR@mail.ru**

Дунё ташвишда

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ XXI АСРНИНГ ИККИНЧИ ЎН ЙИЛЛИГИНИ ДУНЁ МИҚЁСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАҚЧИЛЛИГИ ХАВФИ КУЧАЙГАН ДАВР, ДЕЯ БАҲОЛАЙ БОШЛАДИ

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Шунинг учун ҳам кўплаб мамлакатлар мушкул вазиятдан чиқишнинг турли йўллари билан изламоқдалар. Жумладан, дунёда гуруч экспорти бўйича биринчи ўринда турган Таиланд Ҳиндистон, Вьетнам ва Бразилиядан фарқли ўларок ушбу маҳсулот экспортига камайтирмай, бир йилда икки, ҳатто уч марта ҳосил олишга ҳаракат қилипти.

Гантеликлар эса ун маҳсулотлари тақчиллиги сабабли лойдан нон тайёрламоқдалар. Чунки ерилик аҳоли лой таркибига ҳам кальций борлигига ишонади. Лотин Америкасидаги давлат — Перу эса муаммони хал этиш чораси сифатида картошкани нон тайёрлаш йўлига қўйди. Маълумотларга кўра, бу мамлакатда «картошка нон» тайёрловчи мингга яқин новвойхона ишлаб турибди. Хуллас, дунёнинг аксарият аҳолиси озиқ-овқат масаласида турли усуллари қўлламоқда. Баъзи мамлакатларда ички бозорда нарх-навоми ушлаб туриш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти чекланипти.

Шунга қарамай озиқ-овқат масаласи дунёвий масалага айланди. Ушбу йўналишда кўплаб хусусий компаниялар ҳам тадқиқотлар олиб бораётганлар. Аммо улар асосан йирик тижоратчи дехқонларга хизмат қилаётганларини унутмаслик лозим. Халқаро кишлоқ хўжалиги тадқиқоти бўйича маслаҳат гуруҳи аъзоларининг фикрича, ривожланаётган давлатларда озиқ-овқатнинг асосий қисмини икки гектардан кам ерга эга бўлган 500 миллиондан ортиқ дехқон ишлаб чиқаради.

Мазкур ташкилот жўхори, буғдой, гуруч, картошка, ширин картошка навлари ҳамда балик ва айрим ҳайвонлар зотини яхшилашга қаратилган тадқиқот дастурларини ҳам амалга ошираётган. Кишлоқ хўжалиги соҳасидаги сўнгги тадқиқот натижаларини кичик дехқонларга етказиш ҳам мазкур ташкилотнинг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Бозорга тезроқ кириб бориш ва ҳосилдан зарар кўришнинг олдини олишга оид маълумотлар ҳам маҳсулот етиштирувчиларга мўлжалланган ана шундай тадқиқотлар сирасига кириди. Ташкилот, шунингдек, иқлим ўзгариши, озиқланиш ва аёллар муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратаётган. Чунки дунёда кишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат қилувчиларнинг аксариятини аёллар ташкил этаётган.

Мутахассисларнинг фикрича, озиқ-овқат нархининг кескин ошиши ривожланган давлатларда истеъмолчиларга унча

таъсир қилмас ва камбағал мамлакатлар аҳолиси учун қўтирмаган муаммоларни келтириб чиқараяпти. Агар озиқ-овқат нархи 10-20 фоизга ошса, даромадининг 80-90 фоизини озиқ-овқатга сарфлайдиган Африка, Осиё ва Лотин Америкасидаги миллиардлаб камбағаллар аҳолиси бой бўлиши мумкин. Шу ўринда 2010 ва 2011 йиллардаги нарх ўсишидан 44 миллиондан зиёд одам азият чекганини таъкидлаш жоиз.

БМТ маълумотларига қараганда, 1975 йили дунёда 500 млн., 1990 йилда салкам 620

лари озиқ-овқат танқислиги масаласини алоҳида олинган мамлакатда чегараларни ёпиб хал қилса бўларди. Бирок буғунги глобализация шартларида бу усулни қўллаш мушкул.

Глобал иқлим шароитлари ҳам минглаб гектардаги майдонларни яроқсиз аҳволга келтириб, заминимиздаги ижтимоий вазиятга салбий таъсир кўрсатмай қолмапти. Жаҳон озиқ-овқат дастурида эълон қилинган маълумотларга қараганда, айтилган дунёнинг 70 дан зиёд мамлакатларида бир неча миллион киши фавқулодда



Айни пайтда дунёда 1 млрд. киши тўйиб овқат емаётгани, қашшоқлик ва очарчиликдан қунига 25 минг киши ҳалок бўлаётгани, уларнинг 60 фоизидан зиёдини аёллар, 25 фоизини эса болалар ташкил этаётгани аниққиса ачинарлидир.

млн. аҳоли очарчиликдан азият чеккан. 1998 йилда 841 млн. нафар киши тўйиб овқатланганидан маҳрум бўлган. Бу, айниқса, кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги паст, қоқок техникага эга бўлган Африка ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари аҳолиси учун. Худди шундай ҳолат бугун ҳам давом этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти, жумладан, тараққий этган мамлакатлар — АҚШ, Германия, Франция, Япония, Италия, Буюк Британия, Швейцария, Канада ривожланаётган давлатларга кишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва табиий офатларни енгиш ҳамда фуқаролик урушлари оқибатларини бартараф этишда яқиндан ёрдам бермоқда. Лекин бу савий-харакатлар қўтилган самара бермапти. Айни пайтда дунёда 1 млрд. киши тўйиб овқат емаётгани, қашшоқлик ва очарчиликдан қунига 25 минг киши ҳалок бўлаётгани, уларнинг 60 фоизидан зиёдини аёллар, 25 фоизини эса болалар ташкил этаётгани аниққиса ачинарлидир.

Кейинги йилларда хатто инжиқ об-ҳаво ҳам кишлоқ хўжалик минтақаларини камраб олапти. Натижада сўнгги 3 йилда Чикаго ва Париж биржаларида дон маҳсулотлари нархи кескин ошди. Шакар хом ашёси ҳам жаҳон биржаларида 30 йил мобайнида мисли кўрилмаган даражада кўтарилди.

Қузатувчиларнинг фикрича, Яқин Шарқ ва Африкани ларзага келтирган талатўллар ҳам бунга сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, сиёсий инқироз озиқ-овқат инқирозига олиб келишини айрим сиёсатдонлар унутмаётган кўринадилар. Маълумки, аввал-

рени етиштиришда антропоген технологияларнинг қўлланилиши оқибатида сайёрамиздаги унумдор ерларнинг учдан бир қисми яроқсиз аҳволга келиб қолгани ҳам ачинарли ҳолатдир. Шунинг учун ҳам аграр соҳани ислоҳ қилиш, уни замонавий, зарарсиз технологиялар орқали ривожлантириш барча мамлакатлар олдида турган энг долзарб вазифага айланди. Чунки Ер юзи аҳолиси сони кун сайин кўпайиб бораёпти. Айниқса, иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёнинг деярли барча мамлакатларида «демографик портлаш» юз берди. Масалан, 1945 йилда Ер юзига 2,5 млрд. киши яшаган бўлса, 2010 йилга келиб бу рақам 7 млрд. кишига етди. Яъни сайёра аҳолиси 60 йилда 4 млрд.га кўпайди.

Тахминларга кўра, 2050 йилга бориб аҳоли сони Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ҳисобига яна 1,4 маротабага кўпаяди. Бу эса ўз-ўзидан кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари унумдорлигини замонавий технологиялар асосида оширишни талаб этади. Шу нуқтан назардан ХВЖ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар Осиё ва Африка мамлакатларида юз бераяётган озиқ-овқат етишмовчилигига асосан кишлоқ хўжалиги тизимининг эскирганини сабаб қилиб кўрсатмоқдалар.

Маълумотларга кўра, ривожланаётган давлатлар жорий йилда ҳам четдан озиқ-овқат харид қилишга ўтган йилдагига нисбатан кўп маблағ сарфлашади. Бошқача айтганда, озиқ-овқат импорти учун қўйлаётган маблағ 500 млрд. долларга етиши мумкин. Агар вазият шу зайд давом этса, дунёда очлар ва тўқлар ўртасидаги тафовут яна-

да чуқурлашади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, хар кунки она-сайёрамизда қашшоқлик ва очарчиликдан 25 минг киши ҳалок бўлмоқда. Агар аср вабоси, дея аталаётган ОИТС хасталигидан қунига 6 минг киши ҳаётдан кўз юмаётганини инобатга олсак, қашшоқликнинг қўлами янада

да чуқурлашади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, хар кунки она-сайёрамизда қашшоқлик ва очарчиликдан 25 минг киши ҳалок бўлмоқда. Агар аср вабоси, дея аталаётган ОИТС хасталигидан қунига 6 минг киши ҳаётдан кўз юмаётганини инобатга олсак, қашшоқликнинг қўлами янада

да чуқурлашади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, хар кунки она-сайёрамизда қашшоқлик ва очарчиликдан 25 минг киши ҳалок бўлмоқда. Агар аср вабоси, дея аталаётган ОИТС хасталигидан қунига 6 минг киши ҳаётдан кўз юмаётганини инобатга олсак, қашшоқликнинг қўлами янада

да чуқурлашади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, хар кунки она-сайёрамизда қашшоқлик ва очарчиликдан 25 минг киши ҳалок бўлмоқда. Агар аср вабоси, дея аталаётган ОИТС хасталигидан қунига 6 минг киши ҳаётдан кўз юмаётганини инобатга олсак, қашшоқликнинг қўлами янада

➤ ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР

Фуқаролик ҳуқуқи сотилади



олишга даъвогарлик қилишлари мумкинлиги айтилмоқда. Экспертларнинг таъкидлашича, бу ташаббус амалга ошса, ҳар йили юзга яқин виза сотилади.

Буюк Британиянинг Миграция масалалари бўйича маслаҳат кенгаши мамлакатда вақтинча яшаш ҳуқуқини берадиган визаларни қимматсиз қўйишни таклиф этмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, аукционда визанинг минимал баҳоси 2,5 фунт стерлинг миқдорига белгиланиб, шундан икки миллион мамлакат иқтисодиди, қолган 500 мингги махсус жамғарма ва хайр-эҳсон ишларига йўналтирилади. Шу ўринда вақтинча яшаш учун виза сотиб олган хорижлик фуқаролар икки йилдан кейин доимий яшаш учун рухсат олишга даъвогарлик қилишлари мумкинлиги айтилмоқда. Экспертларнинг таъкидлашича, бу ташаббус амалга ошса, ҳар йили юзга яқин виза сотилади.

Францияда Бонапарт қонуни ўзгармасин

Франция президенти Франсуа Олланд жониворларнинг ҳуқуқий мақомини ўзгартириш тўғрисидаги қонунга имзо чекишдан бош тортиди.

Наполеон Бонапарт замонида қабул қилинган қонунларга кўра, уй ҳайвонлари қарета (арава) ва хизматкор билан тенг даражада «ҳаракатланувчи нарсаси» ҳисобланади. Бир гуруҳ мутасаддилар Олландни мазкур қонунни ўзгартиришга чақириб, жониворларга «тирик мавжудот» мақоми берилишини талаб этишмоқда. Бирок президент бунгача қушхоналарда жониворларнинг азобланишини камайтиришни кўзда тутувчи қондалар жорий этилганини эслатиб, мазкур ислоҳотга эътибор қаратмапти.



Депутатларнинг Маттео Ринцига ишончи баланд



Италия парламенти депутатлари Маттео Ринцининг коалицион ҳукуматида ишонч билдирдилар. Янги ҳукуматни 378 та депутат қўллаб-қувватлаб овоз берган бўлса, 220 нафар депутат қарши чиққан. Шу ўринда давтавал янги ҳукумат Сенат ишончига сазовор бўлганини таъкидлаш жоиз. Шу тариқа Ринци ҳукуматини парламентнинг иккала палатаси ҳам тасдиқлаган эди. Таъкидлаш жоиз, 39 ёшли Маттео Ринци Италия демократик партияси етакчиси бўлиб, Флоренция мэри сифатида фаолият юритган. У айтилган мамлакат тарихидаги энг ёш бош вазир ҳисобланапти.

Етти тонналик жиноят

Австралиянинг Квинсленд шаҳрида баландлиги 10 метр, оғирлиги эса 7 тонна бўлган гигант манго ўғирлаб кетилди. Ушбу мева шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари қаторида сайёҳлар учун тақдим этилаётган эди. Жиноятчиларнинг уни қай йўл билан ўғирлаб кетганлари ҳозирча номаълумлигича қолмоқда. Айни пайтда шаҳар полицияси улкан мангони қидириш билан овора.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборовга уқаси
Шукур ЖАББОРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия иззор этади.

«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Собир Жабборовга уқаси
Шукур ЖАББОРОВнинг
вафоти муносабати билан ўз ҳамдардчилигини билдирди.

ASR
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

2014 йил учун ОБУНА
ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Мурожаат учун телефон: (8-371) 215-63-80,
E-mail: axborot21asr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat'iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz loqayd kishilardan yaxshidir.

БУ — ҚИЗИК

Кўк ранг мияга ёрдам беради

Швециялик олимлар қаҳва сингари мия фаолиятига таъсир кўрсата оладиган яна бир муқобил маҳсулот турини кашф қилдилар.

Суяқлик сингирмайдиган қоғоз

Америкалик кашфиётчилар томонидан мой ёки суяқликларни шиммайдиган ўзига хос таркибга эга қоғоз яратилди.

РЕКЛАМА

ЗАЗ FORZA Автомобили для жизни!



Автосалон в Ташкенте тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99 ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир - Южный вокзал, АЗС «РОУТАНТ»)



Товар сертифицирован

«Бунёдкор» дуранг билан бошлади

Осиё Футбол конфедерациясининг клублар ўртасида ташкил этиладиган энг нуфузли мусобақаси — Чемпионлар лигасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган ягона жамоа — «Бунёдкор» кунги кеча турнир доирасидаги дастлабки учрашувини ўтказди

Шухрат Хўжаев, «XXI asr»



Тан олиш жоиз: мавсумдаги биринчи расмий учрашувларини Саудия Арабистонининг «Ал Фотих» клубига қарши ўтказган «қалдирғочлар» гарчи кишки танаффус пайтида таркибда бир қатор ўзгаришларни амалга оширган бўлсалар-да, у даражада ёрқин ўйин намойиш эта олмадилар.

гирллари Катарнинг «Ал Жаиш» жамоаси билан беллашди. Учрашув 11 март кунги Тошкентда, «Бунёдкор» стадионида бўлиб ўтди.

Шу ўринда 25 февраль кунги ҳамюртларимиз жой олган «В» гуруҳининг «Ал Жаиш» ва «Фу-

лад» (Эрон) клублари иштирокидаги иккинчи учрашувда ҳам «қуруқ» дуранг қайд этилганини айтиб ўтиш лозим.

ХАБАРЛАР

Гўри Амир «марварид»лар ичида

Самарқанд шаҳридаги мезморий ёдгорлик — Амир Темур мақбараси (Гўри Амир) МДХ давлатлари худудидаги энг диққатга сазовор жойлардан бири сифатида «Ҳамдустлик марваридлари» рўйхатига киритилди.



«Жайрон» гепардларни кутяпти

Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ахборот хизматининг хабар беришича, кейинги йилларда Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида жойлашган «Жайрон» Экологик марказида жайрон, кулон, сайгоқ, Бухоро кийиги (хонгул), Пржевальск оти каби жониворлар соғайтирилди.

ЯНГИЛИКЛАР

Ўзингникдан қўймасин!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мобиль алоқа миллий оператори фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига асосан, «Uzbektelekom» акциядорлик компаниясининг UZMOBILE филиали негизда мобиль алоқа миллий оператори ташкил этилади.

ИННА — еттинчиси

Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги элчиси Алишер Курмановнинг «The Korean Times» газетасига берган интервьюсида қайд этилишича, пойтахтимизда ИНА университетини филиали очилиши мумкин.

Ўйинчоқ уйнаманг!

Вьетнамнинг энг йирик шаҳри — Хошиминдаги савдо дўконларида Хитойда ишлаб чиқарилган пластик ўйинчоқларнинг аксариятида саратон ва бепуштлиқка олиб келувчи, шунингдек, марказий асаб тизимини ишдан чиқариши мумкин бўлган токсинлар мавжудлиги аниқланди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ишлаб чиқарувчилар тўп қўғирчоқ ва ўйинчоқ автомобилларни тайёрлашда пластик материални юмшатувчи фталат моддасидан ҳаддан зиёд кўп фойдаланишган.

Ана шундай кескин хулосалар асосида шаҳар савдо назорати Хитойда ишлаб чиқарилган ўйинчоқлар сотилишини тақиқлаб қўйди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА



«Асака» банки муваффақиятларимиз кафолати бўляпти



Мамлакатимизда тадбиркорлар учун қулай бизнес муҳити яратилгани хусусий сектор эгаларига кенг имкониятлар бермоқда. Бунини ишлаб чиқариш суръатининг бир меъёрида ўсиб, хизмат турлари билан бойиб бораётгани натижасида аҳоли турмуш даражаси яхшиланаётганидан ҳам кўриши мумкин

Бу жараёнда тижорат банклари, жумладан, «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Маълум бўлган ҳолда ишлаб чиқариш хажминини икки баравар кўпайтириш ва ўтган йили 400 минг АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотни экспорт қилдик. 25 та янги иш ўрни ташкил этиб, касб-хунар коллежлари би-

тирувчиларини жалб қилдик. Шунинг учун ҳам «Асака» банки хизматларидан мамнунмиз. Айни пайтда эса ушбу молия муассасаси қўмағида янада истикболли лойиҳаларни амалга оширишни режалаштираётимиз.

Ҳаётбек СОБИРОВ, Улуғнор туманидаги «Ulugnor Invest Teks» МЧЖ раҳбари.